

АДАБИЎТШУНОСЛИК

ЎРТА АСРЛАР ХИТОЙ АДАБИЁТИ ПОЭТИКАСИНинг
НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

ЗИЯМУҲАМЕДОВ ЖАСУР

ORCID: 0000-0002-7808-0843

филология фанлари доктори, ТДШУ

Аннотация. Бадиий адабиёт ҳаёт билан бир қаторда янгиланишга, ўсишига ва ривожланишга қодир, яратилишининг битмас-туганмас кучига эга бўлиб, айни хусусиятни ўзида мужассам этган сўз санъати ижтимоий ҳаётда пайдо бўлаётган янгиликларни акс эттириши билан тараққий этади. Бадиий адабиёти ривожланган ҳар бир халқнинг ютуқлари, шон-шуҳрати бутун дунёга тез тарқалади ва миллионлаб инсонлар эътиборини қозонади. Шу сабабли мамлакатимизда жамиятнинг барча соҳалари қатори, мураккаб ва шонли тарихнинг ёрқин саҳифаларига, замон ҳақиқатини бадиий ифодалаган санъатнинг барча турларига, хусусан, бадиий адабиётга катта эътибор қаратилмоқда. Зоро, бадиий адабиёт инсоният ва миллатнинг маънавий, ахлоқий қадрияларини шакллантирувчи ва таъминловчи асослардан бириди. Жаҳон адабиёти тарихидаги умуминсоний гояларни, юксак маънавий-маърифий тушунчаларни, гўзал ахлоқий фазилатларни бадиий талқин этган асарлар башираят мулкига айланади. Шу эътибордан хитой адабиёти, унинг тарихида ўтган истеъододли адиблари ижоди ҳар доим поэтик ўзига хослиги, турфа услубий хусусиятлари маърифатталаб ўқувчилар, айни дамда, адабиётишунос олимлар дикқатини ўзига жалб қилиб келади.

“Поэтика” атамаси адабиётишуносликда жуда қадимдан маълум. У Юнонистонда – адабиёт маданиятнинг ажралмас қисми саналган юртда пайдо бўлганлиги, ҳозирга қадар кўплаб таникли олимлар томонидан бадиий матн поэтикаси масалалари ўрганилгани ишл аҳлига маълум.. Жумладан, поэтика билан боғлиқ масалаларни ўрганиши Россияда XIX асрда А.Потебня ва А.Веселовскийнинг концепциялари асосида пайдо бўлган. Кейинроқ М.Бахтин, Г.Винокур, В.Жирмунский, А.Скафтиков, В.Виноградов кабилар ўз асарларида поэтика масаласига жиiddий эътибор қаратганлар. Қадимги хитой насли кўп ҳолларда бошқа шарқ халқлари насиридан ихчамлиги билан ажралиб туради. Хан сулоласи ҳукмронлигидан кейинги давр насли кўпроқ тавсиифий тамоилларга мойил эди. Бақт ўтиши билан у тобора такомиллашиб борди. Мақолада ўрта асрлар хитой адабиёти назарий асосларининг муҳим хусусиятлари ҳамда хитой мумтоз адабиётидаги наслий асарлар ва уларнинг поэтикасини ўрганишга йўналтирилган илмий изланишлар ҳақида сўз юритилади.

Таянч сўз ва иборалар: хитой адабиёти, ўрта асрлар, жанрлар, поэтика, оммавий адабиёт, конфуцийлик, гайритабии.

Аннотация. Художественная литература, наряду с жизнью, способна к обновлению, росту и развитию, обладает неисчерпаемой силой созидания, а искусство речи, воплощающее в себе ту же черту, развивается, отражая возникающие новшества в общественной жизни. Достижения и слава каждого народа, где развивается художественная литература, быстро разносятся по миру и привлекают внимание миллионов людей. Поэтому в нашей стране наряду со всеми сферами общества большое внимание уделяется ярким страницам сложной и славной истории, всем видам искусства, выражющим правду времени, в частности, художественной литературе. Действительно, художественная литература является одной из основ, формирующих и поддерживающих духовные, нравственные ценности человечества и нации. Произведения в истории мировой литературы, художественно интерпретирующие общечеловеческие идеи, высокие духовно-просветительские понятия, прекрасные нравственные качества, становятся достоянием человечества. В связи с этим китайская литература, творчество талантливых писателей ее истории, всегда привлекала внимание просвещенных читателей, а также литератороведов своим поэтическим своеобразием и неповторимыми стилистическими особенностями.

Термин «поэтика» давно известен в литературе. Известно, что она зародилась в Греции, стране, где литература является неотъемлемой частью культуры, а изучением поэтики художественных текстов занимались многие известные ученые. Позднее М. Бахтин, Г. Винокур, В. Жирмунский, А. Скафтилов, В. Виноградов в своих произведениях уделяли серьезное внимание проблеме поэтики. Древнекитайская проза часто отличается от других восточных народов своей лаконичностью. Проза периода после правления династии Хань, как правило, была более описательной. Со временем он становился все совершеннее. В статье рассматриваются важные особенности теоретических основ средневековой китайской литературы, а также научные исследования, направленные на изучение прозаических произведений китайской классической литературы и их поэтики.

Опорные слова и выражения: китайская литература, средневековые, жанры, поэтика, популярная литература, конфуцианство, сверхъестественное.

Abstract. Fiction, along with life, is capable of renewal, growth and development, has an inexhaustible power of creation, and the art of speech, embodying the same trait, develops, reflecting the emerging innovations in social life. The achievements and glory of every nation where fiction develops quickly spread around the world and attract the attention of millions of people. Therefore, in our country, along with all spheres of society, much attention is paid to the bright pages of a complex and glorious history, all types of art that express the truth of the time, in particular, fiction. Indeed, fiction is one of the foundations that form and support the spiritual and moral values of humanity and the nation. Works in the history of world literature, artistically interpreting universal ideas, high spiritual and educational concepts, excellent moral qualities, become the property of mankind. In this regard, Chinese literature, the work of talented writers of its history, has always attracted the attention of enlightened readers, as well as literary critics, with its poetic originality and unique stylistic features.

The term “poetics” has long been known in the literature. It is known that it originated in Greece, a country where literature is an integral part of culture, and many famous scientists studied the poetics of literary texts. Later, M. Bakhtin, G. Vinokur, V. Zhirmunsky, A. Skaftimov, V. Vinogradov paid serious attention to the problem of poetics in their works. Ancient Chinese prose often differs from other Eastern peoples in its conciseness. The prose of the post-Han period tended to be more descriptive. Over time, he became more and more perfect. The article discusses the important features of the theoretical foundations of medieval Chinese literature, as well as scientific research aimed at studying the prose works of Chinese classical literature and their poetics.

Keywords and expressions: Chinese literature, middle ages, genres, poetics, popular literature, confucianism, supernatural.

Кириш. Антик даврларда ёк поэтика, яни сўз санъати ҳақидаги фанни адабиёт назарияси маъносига тушуниш анъанаси юзага келган. XX аср ўрталарига келиб эса поэтика жаҳон адабиётшунослигига бадиий асар тили ва ифода тизими ҳақидаги фан сифатида шаклланиб, формал ва социологик мактабларда адабий асарнинг қурилиш усуллари ҳамда уни ташкил этувчи унсурлар вазифалари, поэтик ифода воситалари тиззими ҳақидаги таълимот сифатида талқин қилинишга ўтган. Чунки тадқиқот объекти қайси жиҳатдан ўрганиш мақсад килинса, эътибор қаратилиши зарур масала ва ёндашувлар ҳам шунга мувофиқ танланади. Шу жиҳатдан дунё адабиётшунослигига назарий, хусусий ва тарихий поэтика соҳалари фарқланади¹.

Мақсад ва вазифа. Мақолада ўрта асрлар хитой адабиётининг ижтимоий-тарихий мухитдаги адабий ҳодисалар бош мақсад қилиб олинган ҳолда, ўрта асрлар Хитой адабий мухитига хос хусусиятларини очиб бериш, Чинг сулоласи даври бадиий асарлар услубини аниқлаш ва умуман ўрта асрлар хитой адабиёти назарий асослари ва поэтиказини аниқлаш каби вазифалар амалга оширилади.

¹ Yakubov I. Mustaqillik davri o'zbek romanlari poetikasi: filol. fan. d-ri. diss. avtoref. – Toshkent, 2000. – B.5.

Усуллар. Биз мазкур мақоламизда поэтикага фақат ғайритабиий ҳикоя ва новеллалар нұқтаи назаридан ёндашамиз ва қиёсий-тарихий, ижтимоий-маданий таҳлил ва таснифлаш усулларидан фойдаланамиз.

Натижалар ва мулоҳазалар. Адабиётшуносликда поэтика муаммоси ҳақида гап борганда, “Поэтика – бадиий асарларнинг ёзилиш усулларини ўрганувчи фан сифатида талқин қилиниши, поэтиканинг ўрганиш обьекти бадиий адабиёт сифатида эътироф этилиши, тадқиқот усули эса ходисаларнинг тавсифи ва уларнинг талқинидир” тарзидаги таърифлар поэтика илми Европада ўрганилиши билан боғлиқ таҳлиллар Б.Томашевскийнинг¹ асарыда учрайди.

Рус адабиётшуноси В.Хализов адабий-назарий масалаларнинг турли қирралари хусусида фикр юритиб, қўйидагиларни ёзади: “Адабиёт назарияси марказида умумпоэтик масалалар туради. Бунда бадиий асар табиати, унинг таркиби, функциялари ҳамда адабий тур ва жанрлар марказий ўринни тутади”².

Рус адабиётшуноси Н.Тамарченко ҳам поэтика тушунчасига диққат қаратади. Унингча, бадиий асардаги бетакорлик, тасвирийлик, типологиклик каби услубий ўзига хослик билан бирга, бадиий асар поэтиканни ташкил этади. Батафсил изоҳлаш лозим бўлса, бадиий асарнинг жанр хусусиятлари, кўчим ва бошқаларни ҳам поэтика доирасига киритиш мумкин.³ М.Л.Гаспаров таъкидлаганидек: “Поэтика – бадиий асарлардаги ифода воситалари тизими ҳақидаги фан. Кенг маънода поэтика адабиёт назарияси билан, тор маънода назарий поэтика соҳаларидан бири билан мос келади. Поэтика адабий тур ва жанрларнинг ўзига хос хусусиятлари, адабий оқимлар, йўналишлар ва услубларни, бадииятнинг ички қонуниятларини ва бадиий алоқаларини ўрганади.”⁴

Хитой адабиётшунослигига поэтика масаласи алоҳида фан сифатида ўрганилмаган. Тўғри, хитой адабиётшунослигига маълум бир бадиий асарнинг сюжети ва композицияси алоҳида таҳлил қилинган, лекин улар бир бутун – яхлитлиқда биз англаётган “поэтика” атамаси остида ўрганилмайди. Хитой адабиётшунослигига доир луғатларда “поэтика” сўзининг хитой тилида айнан шу атаманинг мазмун ва моҳиятига мос муқобилини ҳам топа олмадик.⁵ Аслида, биз қўллаётган “шесюэ” (诗学) – поэтика сўзи ҳам биз назарда тутаётган “поэтика” атамасининг маъносини тўлиқ бермайди. Албатта, асардаги бадиий тасвир воситаларини англатувчи атамаларнинг хитой тилидаги муқобиллари бор, бироқ улар “асар поэтикаси” сифатида яхлит бир бутунлиқда тадқиқ қилинмаган. Хитой халқи учун адабиётнинг нима эканини англамоқ учун у қайси сўз орқали ифода этилаётганини англаш керак бўлади. Зотан, ўзбекчага араб тили орқали ўтган “адабиёт” (яъни, одоби куллиёт) билан рус олимлари назаридаги “литература” (ёзувда акс этган фикр) моҳият эътибори билан муайян даврларда турли маъноларда турлича истилоҳларда қўлланганини назарда тутган ҳолда хитой тилида “вэнь” (文- сўзи аслида ёзув деган маънени англатади. Ж.З.) атамаси асосан “адабиёт” маъносида келганини айтишимиз мумкин. Лекин унинг маъноси “одоби куллиёт”ни ифода қилишга қаратилгани ёки “ёзма фикр” талқини эканини “вэнь” сўзининг маъновий тузилишида кузатиш мумкин. Бу қадимги хитой сўзига сюэ (字- “ўрганмоқ” демақдир – Ж.З.) қўшимишасини қўшиш билан “адабиёт” маъноси ифодаланади⁶. Бадиий адабиётнинг ички тараққиёт омиллари мавжудлиги ва уларнинг аҳамиятини ҳеч инкор этмаган ҳолда айтиш мумкинки, ҳар бир давр адабиётининг ғоявий-мазмуний ҳамда поэтик хусусиятлари, аввало, ўша даврнинг ижтимоий

¹ Tomashevskiy B.B. Teoriya literaturi. Poetika. – M., 1999.

² Xalizov V. Teoriya literaturi. 4-ye izd., ispr. i dop. – M.: Vissaya shkola, 2004. – S. 9.

³ Tamarchenko N.D. Teoriya literaturi. Tom 1. Teoriya xudojestvennogo diskursa. Teoreticheskaya poetika. V 2 tomax. – M: Akademiya, 2004. – S. 26..

⁴ Gasparov M.L. Poetika // Literaturniy ensiklopedicheskiy slovar – M.: 1987. S.785-786.

⁵ 文学术语。作者:矣桂云。出版社:中国社会科学出版社。2017年。

⁶ Boltaboyev H., Mahmudov M. Adabiy-estetik tafakkur tarixi. 1-jild: Qadimgi davr. – Toshkent: Mumtoz so‘z, 2012. – B.65.

тариҳий шарт-шароитлари билан белгиланади¹. Хитойда айнан шаҳар адабиётининг пайдо бўлиши Хитойда миллий услубда яратилган асарларнинг кўпайишига асосий сабаб бўлган. Ҳ.Болтабоев тўғри таъкидлаганидек, “Миллий адабиётнинг ривожланиши тариҳи, асрлар давомида ортириган адабий тажрибаси ва анъаналари бизнинг истагимиздан қатъи назар, ўша миллатга таалтуқли ҳар бир адебга юқсан бўлади”.²

Демак, услубнинг шаклланиши жараёнида ёки шаклланган услубнинг намоён бўлишида миллий адабиёт тажрибаси, халқ оғзаки ижоди анъаналари, урф-одатлари, тил хусусиятлари, маҳаллий-ментал рух кабиларга эътибор қилишга тўғри келадики, буларнинг барчаси “миллий услугуб” тушунчасининг “давр услуби”га нисбатан анча ёрқин, ўзига хос сифатлари билан ажralиб турадиган ҳодиса эканлигини кўрсатади. Уни услубшуносликда илмий муомалага киритиш, ҳар бир давр адабиётининг ўзига хос жиҳатларидан келиб чиқиб, унинг бойиб боришини кузатиш ва бу борада назарий умумлашмаларга келиш ўзбек услубшунослигидаги вазифалардан бири, деган холосага имкон беради.³

Ўрта асрлар хитой адабиёти поэтикасининг назарий асосларини ташкил қилувчи омиллардан бири миллий услугуб масаласидир. Бу давр хитой адабиётидаги ҳикоя ва романлар мазмунида миллий услугуб аломатлари яққол кузатилади. Шарқ мамлакатлари тариҳи, маданияти, адабиётини чуқур ўрганган Й.В.Гёте (У хитой адабиёти билан таржималар орқали билган), хитой адабиётидаги катта ва кичик эпик жанрлар ҳақида шундай дейди: “Ҳикоя билан бирга келадиган кўплаб ривоятларни мақол ўрнида қабул қилиш мумкин”⁴. Гётенинг изоҳидан шуни билиш мумкинки, ўша даврда Хитойда ривоятлар оммалашганини, уларнинг поэтик жиҳатдан юксалганини, ривоятлардаги айрим жумлаларнинг оғиздан-оғизга ўтиб, мақол даражасига етганини билиш мумкин.

Ўрта асрлар хитой шаҳар адабиёти дискурсини конфуцийлик, даосийлик ва буддавийлик ғоялари белгилайди. Конфуцийлик Хан сулоласининг мақомини сақлаб қолишга хизмат қилган, кейинроқ эса Хан ўрнига келган расмий мафкура эди. Конфуцийлик ўрта асрларда ҳам Хитойда аслзода қатламнинг дунёқарашини шакллантиришда давом этган, бироқ Хан сулоласининг чўкиб бориши ва унинг ортидан келган шафқатсиз ҳокимият учун кураш жараёнида конфуцийлик ғоялари ўзига хос эътиқод тизимлари сифатида анча заифлашди. Конфуцийликда асосий диққат эътибори инсоннинг тўғри яшashi ва ҳаётда ўз ўрнини топишига қаратган, инсон ўлгандан сўнг уни ҳеч қандай истиқбол кутмаслиги баён қилинган. Ўша даврда мамлакатда давом этган ғалаёнлар жамиятнинг барча қатламларида қўпчилик халқ вакилларини мавжуд ҳаёт белгилаб берган доирадан тошиб чиқувчи теран маънозамзунни излаб топиш сари ундаётган эди.

Ҳеч қандай тарихий асар бадиий адабиёт каби ўтмиш манзарасини акс эттира олмайди. Шу маънода ўрта асрлар хитой адабиётининг ёрқин вакили Пу Сунглингнинг асарлари хитой халқи ҳаётининг бадиий ифодаси акси, маданий меросининг ажралмас қисми, хитой жамияти қатламларининг ҳаёти ва ўзига хослигини акс эттиришга имкон берувчи адабий манба ҳисобланади. Файритабиий адабиёт ҳақида сўз юритиш, ўз-ўзидан, реалистик адабиётнинг мавжудлигини тақозо этади. Шундай қилиб, адабиётни файритабиий деб белгилаш, доминант парадигма инсоннинг ақл-идроқида мавжуд қонуниятларни тан оладиган дунёни назарда тутади.

¹ Quronov D. Cho‘lpon nasri poetikasi. – Toshkent: Sharq, 2004. – B.3.

²Boltaboyev H. Sharq mumtoz poetikasi manbalari. – Toshkent: “O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi” davlat ilmiy nashriyoti, 2008. – B.325.

³Bu haqda batafsil qarang: Boltaboyev H. Nasr va uslub. Uslub masalasiga nazariy nigoh. – Toshkent: Fan, 1992.

⁴Ekkerman Y.P. Gyote bilan gurunglar. – Toshkent: O‘zbekiston, 2016. – B.196.

Чин империяси ҳукмронлиги (1644-1911) айнан шундай дунё бўлган-бўлмаганини аниқлаш масаласи бизнинг мазкур мақоламиздаги вазифаларимиздан бирини ташкил қиласди.

XX асрдаги миллий ва коммунистик инқилобларнинг мақсади рационал ва илмий билимларни биринчи ўринга қўйиш эди. Инқилобгача Хитой ғайритабиий ва ақлга сифмас мавжудотлар яшайдиган, ғайритабиий кучлар ва руҳлар дунёни ўзгартириши ва одамларни сехрлаши мумкинлигига ишонувчи инсонлардан иборат жамият сифатида тасаввур қилинар эди. Руҳлар ва аждодларни тинчлантириш ва омадни таъминлаш учун жамиятнинг барча даражаларида мунтазам маросимлар ўтказилиши керак эди. Фолбинлик, мунажжимлик, сехргарлик билан боғлиқ маросимлар ҳаётнинг барча жабҳаларида ҳукмронлик қиласди. Ғайритабиий унсурлар билан алоқадор сирларни даосийликни ўрганиш орқали эгаллай олиш мумкин, деган қараш бор эди. Маърифатга умр давомида эришиш мумкин эди, чунки ҳар бир инсон қайсиидир маънода Будда табиатига эга эди. Ҳар қандай одамга агар Осмоннинг ҳоҳиши бўлмаса, яъни Осмон ваколатисиз ҳатто императорлар ва сулолалар ҳам ҳукмронлик қила олмайди, деган фикр ҳукм сурган.

Ҳаётнинг асл мазмунини излаш хитой ҳалқини даосийликка мурожаат қилишга мажбур этди. III асрда баъзи адиблар даосийликни конфуцийлик таълимоти билан ўзаро мослаштиришга ҳам уриниб кўрдилар. Масалан, улар даосийликдаги ҳаракатсизлик концепциясини, конфуцийчиларга анафемани¹, ноўрин хатти-ҳаракатларга йўл қўймаслик сифатида талқин қилганлар. Бу эса одамларнинг расмий равишда мартаба пиллапояларидан юқорига кўтарилиб, даосийликка эргашишига имкон берди ва шу тариқа даосийлик кўплаб ўқимишли кишилар орасида конфуцийликдан кўра кўпроқ оммалашди. Хан салтанати инқирозга юз тутгандан кейин орадан бир неча аср ўтгач, даосийлик ўз ибодатхона ва руҳонийларига эга уюшган динга айланди.

Даосийлик кенг тарқалишининг акс таъсири натижасида “протофан”² равнақ топа бошлади. Даосийларнинг асосий ташвиши бўлган бу дунёда абадий яшаб қолиш ғами кишиларни тиббиёт ва алкимёгарликни ўрганишга ундади. Кейинги асрларда бундай ҳолат йирик илмий ва технологик ихтиrolар яратилишига олиб келди.

Хан салтанати ҳукмронлигининг сўнгги даврида буддавий ёзма ёдгорликлар хитой тилига таржима қилина бошланди. Бундай таржималарни хитойлик буддавийлар эмас, балки хорижий миссионерлар бажарап эди. Шу боис бундай таржима матнларига кейинчалик шубҳа билан қаралган бўлиши мумкин.

Қадимги хитой насли ўзининг фикрни қисқа ва лўнда ифодалаш имкониятлари билан ажralиб турган. Хан давридан кейинги давр насли унчалик ишончли бўлмаса-да, тавсифий, баёнчиликка мойил эди. Вақт ўтиши билан Хан даври насли тобора такомиллаша борди. Айниқса, Хитойнинг жанубида бу ҳолат иқтидорли адибларга ижобий таъсир кўрсатгани ва самарали бўлгани билан бирга, у қадар истеъодли бўлмаган ёзувчилар учун анчайин сунъий ва имконсиз эди.

Бу асрларда илмий-оммабоп адабиётнинг асосий шакли тарих бўлиб, у мазмун ва моҳият жиҳатдан Хитойда энг қадрланган наслий асрлар хисобланади. Аввал ҳукмронлик қилиб ўтган сулолалар тарихи яратилган. Бунга баъзан саройнинг ўзи ҳомийлик қилган. Танг

¹ Anafema (yunoncha – “chiqarib yuborish”, “majburlash”, “yuklash”) – dastlab bu va’daga muvofiq Xudoga qurbanlik keltirish, Xudoga sig‘inish; keyinroq “ajralish” (jamoadan kimdir), “surgun”, “la’nat” ma’nolarini anglatgan.

² Protopfan (qad.yun. qo’shma so’z bo’lib, “bosholang’ich” va “fan” ma’nolarida qo’llangan) – bu ilmiy uslub rivojlanmasdan ancha oldin mavjud bo’lgan va keyinchalik mustaqil fanlarga aylangan tarixiy falsafiy fanlarning umumiy nomi. Masalan: alkimyo, keyinchalik kimyo, astrologiya esa keyinchalik astronomiya sifatida rivojlandi.

даврида Хан сулоласи ҳукмронлиги даврида Сима Чян (司馬遷 Sīmǎ Qiān)¹ томонидан баён қилинган тамойиллар асосида Суй сулоласи тарихини яратиш бўйича ҳукумат комиссияси ташкил этилган. Бундан кейинги барча сулолалар ушбу намунага амал қилган. Бошқа тарихий асарлар, айниқса илгари ўтган сулолалар ҳақидаги деярли расмий бўлмаган ҳикоялар алоҳида шахслар томонидан ёзилган².

Илмий-оммабоп адабиётнинг яна бир жанри – буддавий ва даос авлиёлари ҳаёти ҳақидаги ҳикоялардир. Бундай асарлар сюжетида драматизм қучли бўлган. Адабий танқидга доир асарлар Хитойнинг жанубида Хандан кейинги даврда нашр этила бошланган ва ўша пайтдан эътиборан хитой илмий-оммабоп адабиётининг муҳим таркибий қисмига айланган.

Хан сулоласи ҳукмронлигидан кейинги давр шеърияти Хан давридан ши (қисқа ва жуда интизомли) ва фу (анча узун, фасоҳат билан, сўзга пардоз бериб) шаклларини мерос қилиб олди. Бу даврда шеърият анча эркин ва ритмик тус олди. Жанубдаги бўлинниш даврининг ўзига хос хусусиятларига жавобан “тартибга солинадиган ши” шакли, яъни шеърлардаги ритм-оҳанг ва қофияларга тобора кўпроқ қоидалар ўрнатиладиган ши услубидаги шеърлар пайдо бўлганлиги эҳтимолдан холи эмас.

Танг даври ҳукмронлигининг ўрталари Хитой шеъриятининг энг юксалган даври ҳисобланади. Ўша даврда етишиб чиқсан буюк шоирлар шахсий тасаввур ва фикрга таянган ҳолда бир нечта сўз ёрдамида бирор саҳна ёки вазиятни яратишида намоён бўлувчи “ши” – вазмин импрессионистик³ услубини яратганлар.

Илк ва ўрта асрларда Марказий Осиёдан келган Тан мусиқаси Хитой шеъриятига катта таъсир кўрсатди. Илк асрларда аксар шеърлар қўшиқ оҳангига мослаб ёзилар эди. Гарчи бундай услуб кейинроқ унтуилган бўлса ҳам, кейинги давр хитой шеърияти учун андоза бўлиб қолди.

Император Тан Сюанзонг (宣宗 Xuānzōng)⁴ шоирлар ҳомийси эди ва у Хитой тарихидаги энг машҳур интеллектуал саройда раҳнамолик қилган. Император саройида “Ўлмас шоирлар саккизлиги” номи билан танилган, бир қадаҳ шароб устида шеър ўқиган бир гуруҳ шоирлар ҳар доим императорнинг марҳаматидан баҳраманд бўлганлар. Улар орасида хитой адабиётининг энг ёркин намояндалари: барча мавзуларда асарлар ёзган ва барча услублар устаси бўлган Ли Бай (李白; 李太白 701—762/763) ва билимдон, саводхон, мазлумлар аҳволига ҳамдард Ан Лушан (安禄山 Ān Lùshān)⁵ исёнидаги азоб-укубатларга гувоҳ бўлган Ду Фу (杜甫 712—770)лар бор эди. Бу даврда кўплаб шоирларнинг ижоди равнақ топди. Айни тарихий ҳақиқат Тан сулоласи даврида хитой адабиётининг муваффақиятга эришганини кўрсатади.

Сун давридан бошлаб, Фарбдан бир неча аср илгари, китобатчиликнинг кенг тарқалиши адабиётнинг яралиши учун жиддий туртки бўлган. Бу эса таълим тизимини тараққий эттириш билан бирга, асарларнинг кенг тарқалишига имкон берган. Китоб тўплаш бойлар учун заруратга айланган: ҳар бир аслзода оиланинг шахсий кутубхонаси бўлган.

¹ Sima Chyan (司馬遷) – miloddan avvalgi 145- yoki 135-yilda tug‘ilgan, miloddan avvalgi 86-yilda vafot etgan. Xan sulolasasi tarixchisi, yozuvchi va astronomi bo‘lgan. U “Shi Ji”ning yaratuvchisi sifatida tanilgan. 史记(shǐ-jì) – Sima Chyanning mashhur “Tarixiy qaydnomalar” asari.

² Barrett T.H. Buddhism, Taoism and the eighth-century Chinese term for Christianity: a response to recent work by A. Forte and others // Bulletin of the School of Oriental and African Studies. – London: University of London, 2002. – T.65. №.3. – P.555-560.

³ Impressionizm (fr. impression – taassurot) – san’atdagi yo‘nalish.

⁴ Syuanzong 810 – 859-yillarda yashagan. 846 – 859-yillarda Tang sulolasining 19-imperatori bo‘lgan.

⁵ An Lushan 安禄山 703 – 757-yillarda yashagan. 755-yilda keng ko‘lamli qo‘zg‘olonga rahbarlik qilgan. Kelib chiqishi sug‘d bo‘lgan xitoy harbiy qo‘mondoni. Tang sulolasini ag‘darish va saltanat poytaxti Chananni egallash maqsadida ulkan qo‘zg‘olonga boshchilik qilgan. An Lushan qo‘zg‘oloni ba’zi taxminlarga ko‘ra, Xitoyda 36 million odam yoki dunyo aholisining voqealar sodir bo‘lgan paytdagi oltidan bir qismi hayotini olib ketgan.

Хан давридан бошлаб кўплаб аслзода жаноблар шеър ёки тарих ёзганлар, аммо ҳозирги кунда бу олиму амалдорларнинг кундалик ҳаётининг бир қисми бўлиб қолган ёки ўзлари қилган ишларни нашр этиш одатга айланган.

Хитой насрига хос фасоҳатлилик услугига қарши ҳаракат Танг даври охирларида Хан Юй (韩愈Hán Yù, 768—824)¹ исмли олим қадимги даврлар насрига хос содда, ихчам услубда ёзган даврларда бошланган. Хан Юй буни шундай уддаладики, унинг услугига ўша даврда ҳам салбий муносабат билдирилмаган (таъкидлаш лозимки, бу кундалик сўзлашув тилида ёзиш ҳаракати эмас эди). Шундай услубда мактублари таъсирчанлиги билан танилган Оуянг Сю (欧阳修Ōuyáng Xiū, 1007-1072)² ҳам ижод қилган. Унинг мактубот услуби XX асргача хитой насрининг андозаси бўлган³.

Сун даврида тарихий мактуб жанри янада такомиллашган бу жанрда сулолалар тарихи, қонун ва қарорлар мажмуалари, муассасаларнинг ихтисослашган тадқиқотлари, шунингдек, даврлар ва йирик воқеа-ҳодисалар, турли мавзулар тарихи, маҳаллий тарихлар, хотиралар, географик маълумотлар, кўплаб мавзулар бўйича энциклопедик тўпламлар битилган.

Сима Гуан (司馬光Sīmǎ Guāng, 1019-1086) ўз даврининг таниқли тарихчиси эди. У қадим замонлардан – Сун сулоласининг ибтидосигача бўлган хитой тарихининг кенг қамровли баёнини тузди, ўз тарихларида воқеаларни нозик ифода ва холис баён этди. Бу билан хитой, демакки, жаҳон тарихнавислигига оид манбалар таҳлилини янги босқичга олиб чиқди.

Танг даврининг ўрталари хитой шеъриятида бетакрор давр бўлди. Бироқ кейинчалик Танг даври шеърияти ўзининг тили ва импрессионистик мазмуни жиҳатидан шу даражада мураккаблашдики, баъзан уни тушуниш қийин бўлиб қолди (айниқса, хитойлик бўлмаган ўқувчилик учун). Сун даврида реакция юз бериши муқаррар эди. Шеърият, тафаккур қилиш нуқтаи назаридан кўпроқ реалистик ҳарактерга эга эди. Аввалги даврларда бўлгани каби ши услуби ўзининг турли шакллари билан худди адабий мезон каби эди. Аммо безакларга бой фу услуби ҳамон амалда эди. Шоирлар Тан даврининг буюк салафларига тақлид қилишга интисалар ҳам, ижодда кундалик ҳаёт тафсилотларига кўпроқ эътибор қаратар эди.

“Пейзаж” шеърияти Танг даврига қадар ҳам муҳим жанр саналган, аммо Сунг сулоласи таъсири остида машхур бўлиб кетган. Рассом, хаттот ва шоир Су Ши (苏轼Sū Shì, 1037-1101) ғарблик мухлисларини мафтун этган хитой санъатининг ўзига хос унсурларидан бирини оммалаштириди. Унинг ихчам шеърлари поэтик бўёқларга бой эди⁴.

Мўғуллар даврида Хитойга Марказий Осиёдан янги шеър шакллари кириб келди ва Танг давридаги каби, аввалги шаклга қараганда, анча эркин бўлган ритм ва қофиянинг янги шаклларини фаоллаштириди. Улардан асосан севги ёки қайғу билан боғлиқ ҳис-туйғуларни ифодалашда фойдаланилган.

Масал жанрига ўхшаш қисқа ва содда эртаклар, арвоҳлар ҳақидаги ҳикоя ҳамда латифалар Танг давридан анча олдин ҳам ёзиб олинган, аммо Танг даврининг охирларида реалистик сюжет ва тавсифли ҳикоялар ёки новеллалар тўпламлари пайдо бўла бошлади. Улар ўша давр

¹ Xan Yuy – xitoy faylasufi, tarixchisi, yozuvchisi, shoiri va xattoti. U buddaviylik va daosiylikka qarshi bo‘lgan inson sifatida tarixga kirgan.

²Ouyang Syu – Xitoy davlat arbobi, tarixshunosi, essenavisi va Sung davrining shoiri. U ko‘p qirrali iste’dodi sababli fanda uning nomi Yevropa Uyg‘onish davri namoyandalari bilan bir qatorga qo‘yiladi.

³Barrett T.H. Buddhism, Taoism and the eighth-century Chinese term for Christianity: a response to recent work by A. Forte and others // Bulletin of the School of Oriental and African Studies. – London: University of London, 2002. T.65. №3. – P.555-560.

⁴ Woskin D., Kenneth J., Crump J.I.. Trans. In Search of the Supernatural: The Written Record. – Stanford: Stanford University Press, 1996.

олимлари томонидан оддий одамларнинг кундалик оғзаки нутқидан фарқли бўлган адабий услубда ёзиб олинган. Бу ҳақда Р.Ю.Бунакова хитой адабиётида мактуб жанри тўғрисидаги тадқиқотида тўхталган¹.

Хитой адабиёти тарихидаги бундай далиллар ижтимоий ҳаёт ва ижодкор, жамият ва бадиий адабиёт, аньана ва янгиланиш каби адабий-назарий тушунчаларни атрофлича муҳокама қилишга ёрдам беради. Шу жиҳатдан ўрта асрлар хитой шаҳар адабиётининг алоҳида хусусиятларидан бири шуки, бу даврда хитой адабиётидаги айрим кичик эпик жанрлар такомиллашди. Жумладан, хитой адабиётидаги “Шошу” (“说书”) жанрини ўзбек ҳалқ ижодидаги машҳур “достон” жанри билан қиёслаб, унинг тарихига назар ташланса, фикр баёнини англаш нисбатан осон бўлади.

Хитой адабиётидаги айрим кичик эпик жанрлар тадқиқига бағишлиланган қатор илмий мақолалардан маълумки, мазкур жанрлар кўхна хитой шаҳар адабиётида жуда кенг тарқалган ва ўзига хос тарихий такомилга эга бўлган. Хоссатан, юқорида тилга олинган “Шошу” жанри хитой адабиёти ва фольклорининг мураккаб муносабатларини акс эттирадиган ўзига хос жанрлар сирасига киради. Фольклористик афсона, рамзий ҳикоя ва ривоятларни кейинчалик деярли барча қадим хитой файласуфлари ижодида, шунингдек, Сима Чяннинг (司马迁. Эр.авв.145—87) “Тарихий хотиралар” (“史记”) асарида ҳам учрайди.

Биз фикр юритаётган “шошу” жанри хитой тарихининг анча қадим даври – эрамиздан аввалги 1046-771 йилларда, Гарбий Чжоу сулоласи даврида пайдо бўлган. Бошқа манбаларда эса бу жанр Хитой тарихида муҳим давр ҳисобланган Танг сулоласи даври адабиётида ҳам алоҳида ўрин эгаллагани айтилади. XVII-XVIII асрларда ҳам бу жанр алоҳида такомиллашув босқичини бошидан ўтказди.

Шошу жанрида ҳикоя қилувчилар “шошуде” (“说书的”) деб аталган. Ўзбек фольклорида “достон” жанри бор ва достон айтuvчилар бахшилар дейилганидек, шошуделар ҳам бахшиларга каби ҳикоя қилганлар, ҳам куйлаганлар. Хитой ҳалқи бундай ижрочиларни “ҳикоя қилувчилар” деб атайди.

Шошу жанридаги асарлар турли мазмундаги ҳикояларни қамраб олади. Шунга кўра “ҳикоя қилувчилар”ни “ровийлар” деб атаса ҳам бўлади. Ўзбек бахшиларининг дўмбираси бўлганидек шошуделарнинг ҳам маҳсус мусиқа асблолари бўлган.

Тарихий манбалардаги маълумотларга кўра, эрамиздан аввалги даврларда шошу жанрида асосан илк қисқа афсоналар, ерлик ҳалқларнинг эртаклари айтилган ва куйланган. Шу боис шошу жанрини “қисқа ҳикоялар” дейиш ҳам мумкин. Қисқа ҳикоя термини остида ҳалқ эртак ва афсоналари, баъзида масал ёки латифалари, айрим ҳолларда эса қадимги ҳикоя ёки новелланинг қайта ишлангани тушунилади.

Муҳими шундаки, бу жанрда ҳам назмий, ҳам насрый ифода ва баён кузатилади. Адабий матнларнинг ҳажми ва шакли ҳар хил бўлиб, ерлик аҳоли мусиқа жўрлигига айтилган, белгиланган қоидалари бўлмаган. Аксар ижрочи ровийларнинг кўзи кўр бўлган ва ҳозиргacha Хитойда шошуделар кўзи ожиз кишилардир. Улар асосан туғма кўр инсонлар бўлган. Айрим ҳолларда кўрлик насл сурган ва шу сабабдан бу санъат авлоддан-авлодга ўтган. Бундан ташқари, шошуделар кўплаб шогирдлар етиштирганларки, бунинг натижасида бу жанр йўқолиб кетмади.

Айни адабий жанр хитой адабиётидаги бошқа жанрлар тараққиётiga ҳам таъсир кўрсатиб келади. Хитой ровийлари томонидан айтилган ушбу терма ҳикоялар ва афсоналар хитой

¹Bunakova R.Yu. Osobennosti janra zapisok v kitayskoy literature // Istoricheskaya poetika janra, 2009. №3. – S.39-41.

адабиётининг машхур Ло Гуань Жун(罗贯中)нинг ”Учшоҳлик” (“三国演义”), У Чень Эн(吴承恩)нинг ”Гарбга саёҳат” (“西游记”), Ши Най Ан(施耐庵)нинг “Дарё ўзанлари” (“水浒传”) каби романларига асос бўлган. Романларда ровийлар ибодатхоналарда, бозор майдончаларида, Чагуанг “茶馆”, яъни чойхоналарда ва ҳатто император саройида уюштирилайдиган базмларда шошу ижро этганлар. Қишлоқ жойларда ерлик халқнинг “хурматли ва бой” кишисининг ҳовлисида ижро қилинган. Қиши кунларида шошу ровийлари атрофига катта гулханлар ёққанлар, ҳовли болалар ва бошқа тингловчилар билан тўлиб тошган. Хонадон сохиблари кўзи ожиз ровийни, албатта, угра солинган, қўй гўштидан тайёрланган қайнатма шўрва ва ерлик халқнинг анъанавий қўк жасмин чойи билан сийлаганлар. Умуман, шошуделарни халқ ҳурмат қилган ва яхши кўрган.

Юкорида айтилганидек, бу жанрда асосий матн насрда бўлиб, айрим парчалар назмда сан сян, пипа, эрху каби қадими мусиқа асбоблари жўрлигида ижро қилинган. Ровий ижро этган матн нафақат афсоналар, балки қаҳрамонлик эпослари, халқ эртаклари, гўзал қиз ёки зукко йигит ҳақидаги қасидалар, тарихий сюжетлар асосига қурилган ҳикоялар ҳам бўлиши мумкин. “Шошуде”ларнинг яна бир ўзига хос томонлари уларнинг тилида бўлган. “Шошуде”лар хитойнинг қайси вилоятидан бўлсалар, ўша ҳудуд лаҳжасида ҳикоя қилганлар. Улар шунга кўра ҳам танилган, ва ҳатто ўз мактабларини яратган.

“Шошуде”ларнинг асарлари хитой адабиётидаги кичик эпик жанрларидан бири Хуабен (话本) деб номланган қиссалар тўпламларида сақланиб қолган. Шу сабабдан бўлса керак, бу икки жанр кўп жиҳатлари билан бир-бирига ўхшаш. Хуабенлар, одатда, ровийнинг ўзи ёзган ёки халқ шеъриятидан олинган “ши” ёхуд “чи” шеърлари билан бадиий жиҳатдан кучайтирилган. Хуабенларда шеърлар ҳикоя мазмуни билан табиий тарзда уйғунлашиб кетади. Одатда, уларда табиат гўзаликлари, инсон фазилатлари, аёл жозибасини тасвирланади ва у ёки бу кўринишдаги афоризмлар, ҳикматли сўзлар ҳикоядаги воқеа хуносаси сифатида келтирилади. Хуабенларда бўлгани каби шошу жанри қаҳрамонлари ҳам ўрта асрларда кўп ҳолларда ровийлар тингловчилари мансуб бўлган ижтимоий қатлам вакиллари бўлган ва ҳунарманд, савдогар, дехқон, кичик амалдор, роҳиб, хизматкор, шаҳар зиёлиларининг қуий табақа вакилларидан таркиб топган.

Бугун шошулар орасидан ғайритабиий, яъни фантастик ёки инсон тақдири билан боғлиқ илохий мавзулардагисини топиш қийин. Ҳозирги шошулар асосан хитой мумтоз ва замонавий адабиёти асарлари ёки шошуделарнинг шахсий асарлари асосида яратилмоқда.

Хитойнинг чекка қишлоқларида ҳозир ҳам одамлар кўзи ожиз шошуделарни, отабоболарини эслаш муносабати билан, маърака, туғилган кун, фарзандининг бир ойлик бўлиши муносабати билан ташкил қилган тадбирларга ёки одатий байрам сайилларига таклиф қиласидар. Хитой халқининг анъанавий “чунжие” (“春节” – баҳор байрами) арафасида ҳам шошуделарнинг чиқишилари азалий удумлардандир.

Қадим замонлардан буён Хитойда Хан давридан қолган оғзаки ҳикоячиликнинг бой анъаналари мавжуд. Сун даврида бадиий адабиёт таркибида адабий жанр сифатида босқичма-босқич тараққий эта бошлаган. Дарҳақиқат, ҳикоялар оғзаки нутқда қандай айтилган бўлса, шундай ёзилган ва уларнинг сюжет ривожи анъанавий ҳикоячилик услубларига мос келади.

Д.Воскресенский анъанавий хитой адабиёти дискурси ҳақида түхталиб, унга “ҳаво”, “шамол”, “маънавий резонанс”, “аналогия”, “маърифат” ва “ижодий кайфият” каби категориялардан бошқа нарса хос эмас, дейди¹.

Қадимги Хитой донишмандларидан бири Лао-цзи (老子 Lǎo Zǐ, эр.авв.VI аср) шундай деган эди: “Сиз бораётган йўл абадий эмас. Айтилиши мумкин бўлган исм – абадий исм эмас”², яъни ушбу сўз воситасида ифодаланаётган нарса вақти-вақти билан одамига қараб ўзгариб борадиган ўзгарувчан объект сифатида қабул қилинади. Бу билан қадимги хитойлик донишманд хитой адабиётининг адабий қоидаларига асос солган. Бундан анча кейин Лао-цзининг энг яхши вориси ҳисобланган Чжуан Цзи бу борадаги фикрни янада аниқроқ ифодалаган: “Балиқ тутган киши тўрни унумтиши мумкин, қуён ушлаган – тузоқни унумтиши мумкин, сўзниң маъносини англаган киши сўзниң ўзини унумтиши мумкин”. Бу донишманд кишиларнинг биргаликдаги саъй-ҳаракатлари ва гоялари Хитойда академик регламент, генерация ва дискурсни ифодалаш усулини аниқлашга ёрдам берди. Зоро, инсон онгида концепцияларнинг тўлақонли бўлиши шунчаки ифодага боғлиқ эмас, уни самарали ифодалаш учун хитой халқининг “образларини аниқлаш”лари кераклиги айтилади. Бунинг учун ўзига хос анъана қўлланилади ва унда “сўзларга боғлиқ бўлмаган, сўздан мустакил маъно”, “тизимлаштириш” таъкидланади³.

Дискурснинг бундай қўриниши бутун хитой маданиятида учрайди. Масалан, буддавийлик мактабида бу қўйидагича ифодаланган: “Ҳеч қандай сўзни қўлламанг, балки фикрингизни тўлалигича етказиб берии учун яна ақлингизни ишилатинг” ва шунингдек, “ҳеч қандай сўзга хос бўлмаган, лекин унга максимал дид орқали эришишлади” ибораси алоҳида таъкидланган хитой адабиётida тартибга солиш миао-ву, син-ций (ҳаяжон ва тўлқинланиш), би и син, шэнъ-юнь, инъ-цзин ва шунга ўхшаш категорияларда ўз аксини топади. Иккинчи томондан, Конфуций мактаби “Конфуций Китобларига тегишли” унчалик равон бўлмаган “Дао” ҳақида гапириш усулини танлаган. Конфуцийни талқин қилиш орқали кишилар “Дао”га тўғридан-тўғри мурожаат қилишлари, шунингдек, янги маъно яратишлари мумкин ҳисобланади.

Маълумки, хитой ва ғарб адабиётшунослигида яратилган назариялар жаҳон адабиётшунослигининг таркибий қисмидир, уларсиз жаҳон адабиётшунослиги кемтик бўлиб қолар эди. Бироқ келиб чиқиши жиҳатидан турли цивилизацияларга оиддирки, бу уларни ўзаро боғлашни қийинлаштиради. Яхшиямки, ғарб ва хитой олимларининг кўпчилиги бу назариялар таъсирилашувининг муҳимлигини англамоқда. Бундан ташқари, баъзи олимлар адабий алоқалар ташкил этишининг асосий методларини излаб топиш йўлида жиддий тадқиқот олиб борганлар.

Цао Шунчинг (曹顺庆) ғарб ва хитой адабиёт назариялари таъсирилашувидаги баъзи асосий методларни санаб ўтган. Унинг “Адабий тадқиқотлардан маданий тадқиқотларга: жаҳон адабиётининг эстетик хусусиятларини ўзгариши” номли мақоласида⁴ биринчи бўлиб дискурс мустақиллиги тамойилини илгари сурди. Олим гетероген адабий назариялар ва гетероген поэтика орасидаги мулоқотнинг тил муаммоси эмас, балки “дискурс” муаммоси эканини алоҳида таъкидлаган. “Дискурс” одатдаги маънода тил ёки нутққа тегишли эмас,

¹Voskresenskiy D.N. Literaturniy mir srednevekovogo Kitaya: kitayskaya klassicheskaya proza na bayxua: sobraniye trudov. – M.: Vostochnaya lit., 2006. S.138.

²<https://ru.citaty.net/avtory/lao-tszy/>

³ Woskin D., Kenneth J., Crump J.I. Trans. In Search of the Supernatural: The Written Record. – Stanford: Stanford University Press, 1996. P.96.

⁴曹顺庆.《从文学研究到文化研究：世界性文学审美特性之变革》，《河北学刊》2003年第5期，《高等学校文科学术文摘》2003年。

балки дискурс таҳлили назариясидан фойдаланган ҳолда маданий маъноларни яратиш тамойилларига тегишилдири. Бу муайян маданий аньаналар, ижтимоий тарих ва маданий келиб чиқишига асосланган тафаккур, ўз фикрини ифодалаш, мулоқот қилиш ва ечиш тамойилларидири. Бундай мазмун қандай яратилиши, бизнинг қандай мулоқот қилишимиз ва билим яратишимиизни аниқлашга қаратилган ёндашувдир. “Дискурс”ни маданият доирасида фикрлаш ва ифодалашнинг асосий категориялари ва тамойиллари деб таърифлаш мумкин. Дискурс асосий тамойил бўлиб, барча ифодалар ундан кейин туради. У маданиятнинг ядроси ҳисобланади ва маданий тизимнинг маданий концепциялари учун ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Турли адабий назарияларо таъсирашув бўйича дискурсларо мулоқотни амалга оширишдан иборат. Адабий назариялар ўртасидаги таъсирашув жараёнида дискурсни ҳар қандай шаклда эътиборсиз қолдириш ёки маданий ифодали тамойилларни ўрнатишга нисбатан муҳим ёндашувни билмаслик, шубҳасиз, юзаки маданий ҳодисаларни қиёслаш ёки олий адабиёт назарияси монологига олиб келади. Турли адабий назариялар ўртасидаги таъсирашув учун ҳар бир томон дискурсини аниқлаш муҳим. Шундан сўнг иккала томонга маъқул бўладиган асосий принципларни излаш мумкин. Бундай дискурсни ўрнатиш, албатта, ўз маданий тизимини тозалаш, терминларни таржима этиш ва уларни жорий қилиш, турли маданий ва ижтимоий фонни ўз ичига олган ўта мураккаб жараён ҳисобланади. Иккала томон учун умумий бўлган дискурсни ўрнатиш учун “дискурс мустақиллиги” мулоқот назариясига риоя қилиниши зарур илк тамойилдири. Демак, ўз дискурс тизими мулоқот бошланишидан олдин ташкил этилиши лозим ва мулоқот пайтида дискурсда шу нуқтаи назар сақланиши керак. Фақат шу йўсинда турли адабий назарияларо таъсирашув самарали бўлади.

Профессор Цао Шунчинг дискурснинг тенглиги ва мустақиллиги ғоясини илгари сурган. Унинг фикрича, адабий назарияларо таъсирашувда ҳақиқий тенгликка эришиш жуда кийин бўлса ҳам, ушбу тамойилни рад этиш ёки уни эътиборсиз қолдириш олий маданият хукмронлиги остида қолишга маҳкумдир. Бу ўрта асрлар хитой маданияти ва гарб маданияти ўртасидаги алоқаларда хитой маданияти ёки адабиёт назариясини “афазия”лар¹ деб номланган ҳолатга келтирган айнан тенглик принципидан бехабарлик демакдир. “Афазия”нинг патогенези хитой-гарб таъсирашувида маҳаллий дискурснинг йўқотилишидир. Билим социологияси нуқтаи назаридан, нутқнинг йўқолишини англатувчи “афазия” “хитой ва гарб тили ўртасида яхлит ўзгариш”ни англатади. Шундай қилиб, хитой ва гарб адабиёти назарияси ўртасидаги диалогда тенглик тарафдори, шахсий ҳис-туйғулар ёки эмоциялар таъсири остида бўлган “постколониал” далил-исботни эмас, ноанъанавий хитой адабиёт назариясининг турфа хиллигини эътироф этилишига асосланган тенг хуқуқли мулоқотни кўзда тутади. Афазия туб маҳаллий ҳалқларда дискурснинг йўқотилишига тегишлими ёки тегишили эмасми ёки билимлар генеологиясининг яхлит ўзгаришини англатадими ёки йўқми, бундан қатъи назар, маданиятлар “тўқнашуви”да ва мулоқотда бепарволик ёки тенглик туйғусини йўқотишнинг оқибати ҳисобланади. Тарихий тажриба шуни кўрсатадики, адабий назариялараро самарали таъсирашув учун керакли шарт-шароит – дискурсив тенглик принципига риоя қилиш демак, акс ҳолда “диалог” кутилмаганда “монолог”га айланиб кетиши мумкин².

¹Afaziya –bosh miya chap yarim sharining jarohat olishi oqibatida nutqiy muloqot qobiliyatini qisman yoki to‘liq yo‘qolishi.

²Sedix A.P., Kugan Ye.I. Kommunikativno-kognitivnie osobennosti xudojestvennogo diskursa i nauka o yazike. //Nauchniy rezultat, 2015. T1. №4 (6). – С.61-67.

Турли адабий назариялараро таъсирлашувнинг яна бир муҳим жиҳати – “тафовутларни сақлаган ҳолда, умумий тилни топиш” ва “тафовутларни ўзаро тўлдириш” тамойили ҳисобланади. Лю Цзимин (1993) «Хитой ва ғарб қиёсий адабиётининг ибтидоси – улар орасидаги муносабатни излаб топишдир, аммо бундан мақсад – тафовутнинг қийматини очиб беришдир», – деган эди. Гетероген адабиёт назарияси ҳақидаги мулоқот улар орасидаги ўзаро муносабатни излаш билан бошланади ва сўнгра тафовутни аниқлаш мақсадида давом этади.

“Ўзаро боғлиқлик ва тафовутларни қиёслаш” методи хитой мактабининг энг муҳим методларидан бири ўлароқ аввалдан кўплаб олимларнинг эътиборини тортиб келган. Жаноб Юан Хесян бу ҳақда шундай деган: “Адабиёт, хоҳ у хитой адабиёти бўлсин, хоҳ ғарб адабиёти, умумий хусусиятга эга. Бундай ўзаро боғлиқлик хитой-ғарб қиёсий адабиётини ўрганишнинг бошланиши, яъни ибтидосидир. Аммо бу мутлақ ибтидо эмас, балки бизни янада кенгроқ тадқиқот соҳаси – фарқлиликларни аниқлаш сари етакловчи ибтидодир. Хуллас, биз атроф-муҳит, замон, урф-одатлар ва маданият каби омилларга асосланган турли адабий ибораларни, қолаверса, “жамоалараро” муносабатларни ўрганишимиз керак”¹.

“Жамоалараро” сўзига урғу бериш хитой ва ғарб адабиётининг қайси миллатга оидлиги ва уларнинг ўзига хос қийматини ўрганишга эътибор қаратиш демакдир. Бу нафақат мулоқот ва қоришиқликка, балки ўзаро бир-бирини тўлдиришга ҳам олиб келади. Профессор Цао Шун Чингнинг кўрсатишича, қиёсий адабиётшунослик икки хил вазифа бажаради: биринчиси: мулоқот – мамлакатлар ва цивилизациялар орасидаги адабиётлар орасидаги алоқаларини излаш; иккинчиси: бир-бирини тўлдириш – миллийлик, индивидуаллик ва ҳар бир адабиётнинг муҳим жиҳатини ажратиш, бир-бирини тўлдириш ва рефлексия натижаларига эришиш мақсадида фарқларни белгилаш. Хитой ўрта асрлар адабиёт назариясининг ҳиссаси нафақат унинг ғарб адабиётшунослиги позицияларига ўхшаш айrim ҳолатларни, балки ғарбча адабий назарияда топиб бўлмайдиган нарсаларни илгари сурғанлигига намоён бўлади. Айнан мана шу “янги” нарсалар жаҳон адабиёт назариясидаги бўшлиқни тўлдиради”².

Гу Цзучжао хитой ва ғарб адабиёт назариялари орасидаги фарқ ва бир-бирини тўлдиришини турли маданиятлардаги идеал эстетик моделлари мисолида тушунтириб берган. У ғарб прототиплари назарияси ва хитой и-цзин ёки и-сян (тасвирлар назарияси)ни қиёслагач, ғарб олимларнинг прототиплар назарияси устида олиб борган тадқиқотлари тасаввурларнинг кўполлигини тузатиш учун етарлича ижобий, деган хulosага келди. У Хитойга хос и-сян, и-цзиннинг етуклиги билан бирга, замонавий ғарб адабиёт назариясидаги бўшлиқни ҳам тўлдиради”³.

Хулоса. Ўрта асрлар хитой насли учун миллий хусусиятларнинг мавжудлиги хос бўлиб, бу даврда яратилган наслий асарлар ўзида қонунлаштирилган элементларни мужассамлаштирган, доимий ўзгариб ва янгиланиб турган. Гарбий Европадан фарқли ўлароқ, Рим империясининг кулаши ортидан саводхонликнинг кескин пасайиши кузатилган бир пайтда Хитойда Хан империяси кулаганидан кейин адабий таназзул кузатилмади. Бу, асосан, маҳаллий Хитой сулолалари даврида анча тинчид қолган жанубий Хитойга нисбатан тўғри эди: маълумот ва саводхонлик даражаларига ўша даврдаги сиёсий нотинчилклар таъсир қилмаган.

¹Ning W. Chinese Literature as World Literature // Canadian Review of Comparative Literature / Revue Canadienne de Littérature Comparée, 2016. T.43. №3. – P.380-392.

²曹顺庆。中西比较诗学。中国人民大学出版社，2010。147页。

³Zu-zhao G.U. The Global Contributions of Ancient Chinese Philosophy-Aesthetics // Journal of Literature and Art Studies, 2016. T.6. №6. – P.657-668.



SHARQ MASH'ALI

Қадимги хитой насри қисқа, лўнда ва аниқлиги билан ажралиб туради. Хан сулоласидан кейинги даврда наср қўпроқ тавсифийликка мойил бўлса ҳам, вақт ўтиши билан адабий-эстетик жихатдан тобора нафосатга йўғрилган. Хусусан, Хитой жанубида истеъодли ёзувчиларнинг ижодида ажойиб самара берди. Сўз бораётган юз йилликларда илмий-оммабоп адабиётнинг муҳим бир жанри – буддавий ва даос авлиёларнинг ҳаёти ҳақидаги ҳикоялар ҳисобланади. Улардан баъзилари драматургиянинг энг юқори даражасига кўтарилиди. Адабий ва бадиий танқидий асарлар Хитой жанубида Хандан кейинги даврда юзага кела бошлаган бўлиб, ўша вақтдан эътиборан хитой илмий-оммабоп адабиётининг муҳим, ажралмас қисмига айланди.

Ўрта асрлар шаҳар адабиётининг энг муҳим қирралари, ўзига хос адабий хусусиятлари, гоявий йўналишлари, албатта, ғарб ва шарқ илмий-назарий концепцияларнинг ўзаро уйғун тамойиллари асосида баҳоланади.

